

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ПАНОЕВ НОДИР ШАВКАТОВИЧ

**КРЕМНИЙОРГАНИК БИРИКМАЛАР АСОСИДА ТЕРМОБАРҚАРОР
(ОЛИГО)ПОЛИМЕРЛАРНИНГ ОЛИНИШИ, ХОССАЛАРИ ВА
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Паноев Нодир Шавкатович Кремнийорганик бирикмалар асосида термобарқарор (олиго)полимерларнинг олиниши, хоссалари ва технологияси.....	3
Паноев Нодир Шавкатович Получение, свойства и технология термостойких (олиго)полимеров на основе кремнийорганических соединений.....	21
Nodir Panoev Obtaining, properties and technology of heat-resistant (oligo)polymers based on organosilicon compounds.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	42

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ПАНОЕВ НОДИР ШАВКАТОВИЧ

**КРЕМНИЙОРГАНИК БИРИКМАЛАР АСОСИДА ТЕРМОБАРҚАРОР
(ОЛИГО)ПОЛИМЕРЛАРНИНГ ОЛИНИШИ, ХОССАЛАРИ ВА
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз-2020

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда жаҳонда бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида замонавий технологияларнинг ютуқлари асосида комплекс хоссаларга эга бўлган химоя воситаларининг янги авлодини яратиш долзарб вазифалардан биридир. Ёнғинлар статистикасига мувофиқ, дунё бўйича ёнғинлар одамлар ҳаёт фаолияти, иқтисодиёт ва экологияга жиддий талофат етказмоқда. Шунга мувофиқ, янги кремнийорганик полимерларни синтез қилиш, уларнинг хоссаларини ўрганиш ва улар асосида ўтга чидамли композициялар яратиш технологиясини ишлаб чиқиш жуда долзарб вазифа ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда дунё бўйича замонавий технологиялар асосида ёнғинга қарши химоя воситаларни яратишга ва улар ёрдамида қурилиш конструкциялари ва материалларининг ўтга чидамлилигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Шунга биноан, иссиқлик таъсири остида химоя қопламаларида содир бўладиган физик ва термохимёвий жараёнлар механизмларининг моделларини яратилишини ўз ичига олган йўналишлар бўйича мақсадли илмий тадқиқотларни амалга ошириш; қурилиш конструкциялари ва материалларининг ёнғин хавфсизлиги кўрсаткичларига ёнғиндан сақлайдиган тўлдирувчилар таъсирини баҳолашнинг компакт, аниқ ва тезкор усулларини яратиш; кенг тарқалган табиий ресурслар асосида юқори самарали иссиқлик ва ёнғиндан сақлайдиган қопламаларнинг янги авлодини яратиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда кимё саноатида янги турдаги материаллар ишлаб чиқариш йўналишида маълум натижаларга эришилди, жумладан маҳаллий бозорни импорт ўрнини босувчи кимёвий реагентлар билан таъминлаш соҳасида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, Республикаимизда, инновацион технологияларни тадбиқ этиш орқали саноат объектларини юритишнинг илмий асосланган тизими ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг чора-тадбирларини амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «Маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзгартиришга» қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада республикаимизда маҳаллий хомашёлар асосида қурилиш конструкциялари ва материалларнинг ўтга чидамлилигини таъминловчи ёнғиндан сақлайдиган воситаларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сонли «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг «VII. Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Элементорганик полимерлар синтези ва улар асосида белгиланган хоссали композициялар яратиш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш ҳамда ривожлантириш бўйича хорижда Hollingbery L.A., Hull T.R, Ueno T., Nakashima E., Takeda K., Палецкий А.А., Гончикжапов М.Б., Шундрин И.К., Коробейничев О.П., Крашенинников М.В., Ненахов С.Н., республикамизда Жалилов А.Т., Нуркулов Ф.Н. Таджиходжаев З.А. Мухамедгалиев Б.А. Максумова А.С. Салиджанова Н.С., Ахмедов В.Н. ва бошқаларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган. Улар томонидан кимё саноатида ва саноатнинг бошқа бир қатор соҳаларида қўлланиладиган кремний органик бирикмалар, турли антипиренлар ва тўлдирувчилар синтез қилинган.

Шу билан бирга, ажратиш жараёни хавфсиз, юқори самарали, арзон кремний органик бирикмалар синтез қилиш мақсадида ва уларни турли соҳаларда қўллаш борасида, уларнинг олиго ва полимерларини ёнғинга қарши воситалар сифатида қўллаш жараёнида инсон соғлиги ва атроф-муҳитга тасир этиш хоссасини кенгроқ ўрганиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик технология институти илмий- тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017090419-рақамли “Элементорганик полимерлар асосида шўрга чидамли гидрофоб қурилиш композициялари учун таркиб яратиш ва технологиясини ишлаб чиқиш” (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хом ашёлар асосида ёнғинга қарши янги қопламали композициялар учун таркиб яратиш ва технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ГИПАН, ГАЭ, мочевина формальдегид ва кўп функционал таркиблар асосида ўтга чидамли ва иссиқликни ўтказмайдиган юқори дисперсли тўлдирувчилар олишнинг самарали усулини ишлаб чиқиш;

ГИПАН, ГАЭ, мочевина формальдегид ва унинг модификацияланган шакллариининг физик ҳолати, термик ва иссиқлик хоссаларига таъсир қилиш

йўли билан каолин ва суюқ шиша асосида ўтга ва иссиқликка чидамли, шунингдек ўт ўчирувчи таркибларнинг самарадорлигини ошириш усуллари ишлаб чиқиш;

полимернинг физик ҳолати, тузилиши ва кимёвий таркиби ташқи майдон (ультратовуш, иссиқлик) ва кимёвий реагентларни таъсир қилиб, ГИПАН, ГАЭ, мочевина формалдегид асосидаги ўтга чидамли таркибларнинг берилган термик ва физик кўрсаткичларга эришилишини таъминлаш;

дастлабки моддаларнинг тузилиши ва хоссаларини квант-кимёвий таҳлил қилиш.

яратилган таркиблар ёрдамида ёғоч ва ноорганик қурилиш конструкцияларнинг ёнғиндан ҳимоя қилиш механизмларини ишлаб чиқиш, ГИПАН, ГАЭ, мочевина формалдегид асосида ўтга чидамли самарали қопламаларни яратиш, улар ёрдамида ёғоч ва ноорганик қурилиш конструкцияларининг ўтга чидамлилигини ошириш ҳамда кўп босқичли ёнғиндан ҳимоя қилиш усуллари ишлаб чиқиш;

маҳаллий хом ашёлар асосида иссиқлик ўтказмайдиган материалларнинг янги таркибларини яратиш, уларнинг асосий ёнғин-техник характеристикаларини таҳлил қилиш ва улар асосида термобарқарор қопламалар ва конструкцион материалларни ишлаб чиқиш;

ГИПАН, ГАЭ, мочевина формалдегид асосида барқарор дисперс системаларни ишлаб чиқиш ва улар асосида юқори самарали ўт ўчирувчи таркибларни яратиш ҳамда суюқ ўт ўчирувчи таркибларнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ёғоч ва ноорганик қурилиш материаллари, ГИПАН, ГАЭ, мочевина формалдегид ТЭОС, суюқ шиша ва силикат эритмалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети янги ёнғиндан ҳимоя қилувчи воситалар ёрдамида ёғоч ва ноорганик қурилиш материалларининг термик, физик ва ёнғин-техник характеристикаларини назорат қилиш асосида бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги даражасини ошириш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида ИҚ-спестроскопия, дифференциал термик анализ, кимёвий ва масс-спектрометрик, оптик ва вискозиметрик анализ усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ГИПАН, ГАЭ, мочевина формальдегидларни кремнийорганик моддалар билан турли нисбатларда пайвандланиш шароитлари аниқланган ва юқори қовушқоқликка эга термобарқарор (олиго)полимерлар олинган;

ГИПАН ва ТЭОС асосида 50:1 нисбатда олинган полимернинг суюқ шиша ва каолин билан оптимал композицияси танланган ва ўтга чидамли иссиқлик ўтказмайдиган юқори дисперсли тўлдирувчилар ишлаб чиқилган;

ультрабинафша нур ва кимёвий реагентлар ёрдамида майда дисперсли натрий силикатни модификациялаш йўли билан полимерларнинг ёнғин ва иссиқликдан ҳимоя қилиш функцияларини ошириш усули ишлаб чиқилган;

давлат стандарти (ГОСТ 16363-98) га мувофиқ ёғоч қурилиш материалларини қийин ёнадиган материаллар гуруҳига ўтказилишини таъминловчи полимерлар асосида кўп босқичли ёнғиндан ҳимоя қилиш функциясига эга бўлган янги таркиблар ишлаб чиқилган;

синтез қилинган кремнийорганик полимерлар асосида ёнғиндан ҳимоя қилувчи силикатли маҳсулотни олиш технологияси ишлаб чиқилган ва ёнғинга қарши тўсиқ сифатида қўлланиладиган ёнмайдиган ҳамда иссиқлик ўтказмайдиган материал олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

полимерга ультратовуш майдони, кимёвий реагентлар ва уларнинг биргаликда таъсири асосида олдиндан белгиланган физик-кимёвий ва иссиқлик хоссаларга эга кўп фазали дисперс системалар олиш усуллари ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган янги ёнғиндан ҳимоя қилувчи қопламаларни қўллаш йўли билан ёғоч қурилиш материаллари ўт олиш хавфининг кескин камайиши аниқланган;

полимерлар асосида нанозаррачаларни сақловчи барқарор суспензиялар яратилган, улар асосида янги ўт ўчирувчи таркиблар ҳамда суюқ ўт ўчириш воситаларини баҳолаш самарадорлигини ошириш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотнинг хулосалари ва тавсияларнинг асосланганлиги, олинган моддаларни идентификациялашда замонавий, юқори информацион физик-кимёвий усуллари (ИҚ-спестроскопия, дифференциал термик анализ, кимёвий ва масс-спектрометрик, оптик ва вискозиметрик анализ усуллари) ва кимёвий тадқиқотлардан фойдаланилганлиги ва ишлаб чиқилган кремний органик полимер материаллар олиш технологияси, унинг қўлланиши тажриба-саноат синовларида апробация қилинган ҳамда ишлаб чиқаришга қўлланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий саноат хом ашёси – ГИПАН, ГАЭ, мочевина формальдегидлар асосидаги ўтга чидамли қопламалар ҳамда бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширувчи воситалар – ўтга чидамли, иссиқлик ўтказмайдиган ва ўт ўчирувчи материалларнинг янги таркиблари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, 1:10:5 нисбатдаги тикилган полимер, 10% ли суюқ шиша ва каолин асосида қурилиш конструкциялари ва материалларининг ўт олиш хавфини кескин камайтиришга имкон берувчи композициялар олинган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий минерал хомашёлар асосида ўтга чидамли қопламалар ва иссиқлик ўтказмайдиган тўлдирувчилар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган ёғоч материалларни ёнғиндан самарали ҳимоя қилувчи композициялар

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги

корхоналарида ёнғиндан ҳимояловчи қопламалар олиш учун жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги №4725/08-07-сонли маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган ёнғинга қарши композициялар ёғоч қурилиш конструкциялари ва материалларининг ўтга чидамлилигини ошириш имконини берган;

маҳаллий хомашё асосида олинган қопламалар ёғоч қурилиш конструкциялари ва материалларини ёнғиндан ҳимоялашда намунавий уйлар қурилишида ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги корхоналарида жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги №4725/08-07-сонли маълумотномаси). Натижада қурилиш объектларининг ўт олиш хавфини 1,8 мартага, ёнғиннинг пайдо бўлиш эҳтимоллигини 3% га ва ёнғиндан келиб чиқадиган зарарни 2% га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, жумладан, 4 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда, 1 та монография нашр этилган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари тавсифланган, унинг объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Ёнғинга чидамли полимер қопламалар ишлаб чиқиш ва замонавий ҳолатлари” деб номланган биринчи бобида ишлаб чиқариш учун оловбардош полимер қопламалар яратилишининг замонавий йўналишлари, термобарқарор полимер материалларнинг хоссалари ва уларни яратиш усулларининг таҳлили, ҳамда, материалларни қайта ишлаш технологияси, мавжуд илмий-техник масалаларни ечишга қаратилган ишларнинг умумий ҳолати муҳокама қилинган ҳолда ушбу диссертация асосланган. Келтирилган таҳлиллар натижасида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг “Ёнғинга чидамли кремнийорганик полимер материаллар олиш ва уларнинг тадқиқоти” деб номланган иккинчи бобида тажриба қисми, тадқиқот объектлари ва усуллари, тажриба усуллари баён қилинган. Шунингдек, бошланғич моддаларнинг физик-кимёвий константалари ва характеристикаси ва кремний сақлаган бирикмаларнинг термик барқарорлиги активланиш энергияси, реакциянинг кинетикаси ҳамда реакция механизми ўрганилган. Бу хоссаларни ўрганиш орқали полимерларнинг оловдан химоя қилиш самарадорлигини, уларнинг термодеструкцияланиш кинетикаси ва олинган теплоизоляцияцион полимерлар билан ишлов берилган ёғоч материалларининг оловбардошлиги турли қурilmалар ёрдамида аниқланган. Олинган моддаларни идентификациялашда қўлланилган замонавий физик-усуллари таҳлил этилган.

Диссертациянинг “Оловбардош полимерларни олиш ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш” деб номланган учинчи бобда оловбардош қопламаларни олиниши ва уларнинг физик-кимёвий хоссалари, синтез қилинган олиго (поли)мерлар асосида олинган композициялар, уларнинг физик-механик хоссалари таҳлили келтирилган.

ГИПАН асосида кремнийорганик полимерлар синтези

Жараён маҳаллий хом ашёлардан ГИПАН билан боғловчи тетраэтоксисилан ($\text{Si}(\text{C}_2\text{H}_5\text{O})_4$) ни турли хил нисбатда ва ҳароратда реакторда олиб борилди.

Термометр билан жиҳозланган реакторга турли нисбатларда; ГИПАН:ТЭОС 50:1; 50:2; 50:3; 50:4; 50:5 ва доимий аралаштириш орқали амалга оширилди.

Реакция бошланғич реагентларнинг турли нисбатлари билан 30-80°C гача бўлган ҳароратда амалга оширилди. 30°C да олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Турли нисбатларда 30°C ҳароратда гидролизланган полиакрилонитрил ва тетраэтоксисилан асосида олинган полимернинг хоссалари

Т/р	ГИПАН ($v_{\text{мл}}$)	$\text{Si}(\text{C}_2\text{H}_5\text{O})_4$ ($v_{\text{мл}}$)	Ҳарорат °C	Қовушқоқлик N•мм/с
1	50	1	30	34,55
2	50	2		35,60
3	50	3		36,30
4	50	4		39,67
5	50	5		40,48
6	50	10		Қаттиқ масса
7	50	20		Қаттиқ масса

1-жадвалдан кўриниб турибдики, гидролизланган полиакрилонитрил ва тетраэтоксисилан турли нисбатда олинганда тетраэтоксисилан миқдорининг


Диметилломочевина ҳосил бўлишини ҳисоблаган ҳолда ТЭОС миқдори ўзгартириб борилди ва бунда турли хил вариантларда нисбий ковушқоқликнинг камайиши эса молекулалараро масофанинг камайганлигидан деб ҳисоблаш мумкин. Бу эса ўз навбатида молекулалараро Ван дер Ваальс кучларига боғлиқлигини кўрсатади ва энг яхши вариант 10:1 эканлиги аниқланди.

Синтез қилинган олигомер фақат органик эритувчиларда эриши сабабли, тегирмонда дисперс ҳолатгача майдаланган ҳолда фойдаланилади. Теплоизоляция қоплама олиш учун композиция таркиби ишлаб чиқилди.

Оловбардош полимернинг структуравий тадқиқи

Модданинг агрегат ҳолатига боғлиқ бўлмаган инфрақизил спектр тасвирларида ҳар бир чизик модданинг интенсивлигини характерлайди. ИҚ спектр модданинг идентификациялашнинг энг қулай замонавий варианты ҳисобланади. У моддани идентификациялашда ишлатиладиган суюқланиш ҳароратини ўлчаш, нур синдириш кўрсаткичини ўлчаш, зичлигини ўлчаш каби оддий физикавий усуллардан ишончилиги билан ажралиб туради.

ИҚ спектр таҳлилари барча намуналар учун $500-4500 \text{ см}^{-1}$ оралиқда кенг диапазонда ўтказилди. Олинган полимернинг тузилиши ИҚ спектроскопия усулида таҳлил этилди. (1-расм)



1-расм. ГИПАН ва тетраэтоксисилан асосида олинган полимернинг ИҚ спектри


Спектр $4000-400 \text{ см}^{-1}$ соҳасида ёзиб олинди. Гидролизланган полиакрилонитрил ва тетраэтоксисиланнинг ўзаро бирикиши натижасида олинган полимернинг ИҚ-спектроскопия усулида индентификация қилинганда ГИПАН таркибидаги карбоксил гуруҳлари тетраэтоксисиландаги $\text{CH}_3\text{CH}_2\text{O}$ -гуруҳлари билан этерификация реакциясига кирганлигини спектр чизикларидаги характерли ютилиш чизикларига асосланиб хулоса чиқариш

мумкин. Спектр чизиқлари 1402, 1449, 1320 cm^{-1} соҳадаги ютилиш чизиқлар оддий С-С боғга, 1049, 1118 cm^{-1} ва 1000-1100 cm^{-1} , 1650-1630 cm^{-1} соҳада эса карбонил гуруҳга хос тебраниш частоталарини, соҳадаги ютилиш чизиқлар эса Si-O га, оралиқда эса 2930 ва 3335-3197 cm^{-1} тўлқин узинлиги эса О-Н боғига тегишли эканлигини кўриш мумкин. Худди шундай бошқа (олиго)полимерларнинг ҳам спектрал таҳлили қилинди.

Полимерлар ва уларнинг таркибий қисмларининг термобарқарорлигини ўрганиш

Олинган полимер билан ишлов берилган материалларнинг оловбардошлигини таъминловчи омил бу унинг термик барқарорлигидир. Шунинг учун, полимернинг термик барқарорлиги ДТТ(дифференциал термик таҳлил) усулида таҳлил этилди.

Ҳароратнинг ўлчов оралиғи 10 К/мин бўлган иситиш тезлигида 20-600 °С да олиб борилди. Оддий моддалар: индий, висмут, калай, руҳ ва сезий хлорид ёрдамида ўлчов тизимида созланган ҳолда олиб борилди. Органосиликон моддаларнинг термик барқарорлиги (2-расм) олинди.



2-расм. Гидролизланган полиакрилонитрил асосида олинган кремнийорганик полимернинг дифференциал термик тасвири

2-расмда келтирилган дериватограмма тасвири таҳлил натижаларидан кўриниб турибди Гидролизланган полиакрилонитрил асосида олинган кремнийорганик полимер дифференциал термик таҳлил қилинганда 20-522°С ҳарорат оралиғида намуна аста-секин кўринадиган термал жараёнларсиз массани аста-секин йўқотади - бу намликнинг аста-секин йўқотилиши билан боғлиқ. 522°С ҳароратда кучли термал эмиссия кузатилади - полимернинг пиролизик парчаланиши билан боғлиқ экзотермик реакция. Намунанинг ўлчов оралиғида умумий вазн йўқотиши 27,4% ни ташкил этади. 548-550 °С да эса оддий С-С боғларининг узунлиги билан деструкция бошланиши кузатилади. Худду шундай бошқа намуналарнинг ҳам термик барқарорлиги ўрганилди ва шу асосда уларнинг элементар таркиблари таҳлил қилинди.

Ёғоч қопламаларининг оловга бардошли самарадорлиги ГОСТ 16363-98 "Ёғоч учун ўтга чидамли" шартларига мувофиқ синовдан ўтказилди.

Усулнинг моҳияти иссиқлик тўпланишига қулай шароитда олов таъсирида синов қатлами билан ишлов берилган ёғоч намунасининг оммавий йўқолишини аниқлашдан иборат эди.

2-жадвал

Гидролизланган полиакрилонитрил ва тетраэтоксисилан асосида олинган полимернинг ўртача молекуляр массаси ва элементар таркиби таҳлили

ГИПАН V _{мл}	ТЭОС V _{мл}	Ўртача молекуляр масса	Элементар таркиб, % да				
			С	Н	Si	N	O
50	1	11716	49,19	5,10	0,24	9,55	26,6
	2	11832	49,49	5,20	0,48	9,46	27,1
	3	11948	50,41	5,25	0,70	9,37	27,4
	4	12064	51,33	5,30	0,92	9,28	27,9
	5	12180	52,26	5,35	1,15	9,20	28,6
	10	12760	53,96	6,01	2,20	7,77	29,5
	20	13040	55,03	6,30	2,60	6,40	30,3

Қуйидаги композицияларнинг қопламалари ўрганилди (масса%):

1 - каолин 30%, Гидролизланган полиакрилонитрил асосидаги полимер 3%, суюқ шиша концентрати 67%;

2 - каолин 30%, Гидролизланган полиакрилонитрил асосидаги полимер 3%, суюқ шиша концентрати 77%;

3 - каолин 20%, Гидролизланган полиакрилонитрил асосидаги полимер 5%, суюқ шиша концентрати 75%.

2-жадвал натижалари шуни кўрсатадики, ГОСТ 16363-98 талабларига биноан №1, №2 ва №3 композициялари бўлган барча қопламалар оловни кечиктиришнинг II гуруҳига киради. Шундай қилиб, олинган натижалар олинган композицияларнинг оловдан ҳимоялаш самарадорлигини кўрсатади. Бу, айниқса, №1 ва №2-сонли композицияларда, энг кам вазн йўқотадиган янги модификацияланган каолин ўз ичига олган қопламаларда сезилади, шунинг учун ёғоч материаллари учун оловдан ҳимоя самарадорлигининг юқори кўрсаткичлари мавжуд.

3-жадвал

Суюқ шишага асосланган қопламаларнинг оловдан ҳимоялаш самарадорлигини баҳолаш учун синов натижалари

№	Намуна массаси, г		Температура, °С		Масса камайиши, г		Эслатма
	Олдин	кейин	T _{бош}	T _{туг}	G	%	
1	250,6	238,4	200	350	12,2	4,86	Ёнмайди
2	200,8	192,3	200	350	8,8	4,38	Ёнмайди
3	220,6	209,6	200	350	11	4,98	Ёнмайди

Бундан ташқари, ўлчамлари 90x55x25 мм бўлган ёғоч намуналарида оловни ҳимояловчи хусусиятларини синаш учун, оловдан ҳимояловчи куйидаги бўёқ формулалари тайёрланди: "оловга бардошли иссиқлик изолятори" + "боғловчи компонент" + "полимер компонент" билан қоплама таркиби 8% дан 95% гача. Оловдан ҳимояловчи таркибий қисм сифатида 40-80 микрон донали каолин кукуни оловга чидамли иссиқлик изоляцияцион қоплама сифатида ишлатилди.

3-жадвалда келтирилган ўлчаш натижаларига кўра, назорат намунасини синаш пайтида чиқинди газнинг энг юқори ҳарорати кузатилганлиги аниқланди (ўтга чидамли қопламасиз). Оловга киритилган назорат намуна фаол равишда ёнишни бошлади ва 120 сониядан кейин массанинг 16% йўқотилди; унинг юзаси жуда қизиган ҳолатда эди.

4-жадвал

100x50x50 ўлчамдаги ёғоч барларни ёнғин синови натижалари

№	Намуна массаси, г		Масса камайиши, г		Чиқаётган газнинг ҳарорати	Намуна ҳолати
	олдин	кейин	Олдин	Кейин		
1.	116,7	111,44	5,25	4,5	178-183	Ёнмайди
2.	114,8	111,93	2,87	2,5	188-192	Ёнмайди
3.	112,4	188,17	4,27	3,8	172-179	Ёнмайди
Назорат	158,7	133,308	25.4	16	185-190	Ҳаво кириш имконияти бўлган ёнишлар

4-жадвалдан кўриниб турибдики, назорат намунасининг қийматлари энг паси 2 намуна қийматлари эса энг ёнғинга чидамли эканлиги аниқланди. 5-6 дақиқада чиқинди газларнинг ҳарорати 145-155 °С ни ташкил этди, бу намунани ёқиш самарадорлигининг паст кўрсаткичларини кўрсатди.

Полимер билан ишлов берилган ёғоч намуналари термик барқарорлиги ўрганилди (3-расм).



а. Қайта ишланмаган ёғоч якундаги ҳолати




б. Қайта ишланган ёғоч материалларнинг якундаги ҳолати

3-расм. Ёнғинга чидамлилиқ самарадорлигини тест натижалари қайта ишланган ёғоч материалларнинг якуний кўриниши

Оддий ишлов берилмаган ёғоч намунаси 180-220 °С оралиғида олдин тутаб кейин эса чўғлана бошлади. Олинган теплоизоляцияцион полимер асосида ишлов берилган ёғоч материалларининг термик таҳлил қилинганда ундаги масса ўзгариши 260°С дан бошланди ва 522°С да даги масса ўзгариши 27,4% ни ташкил этади, аммо термик ишлов бериш жараёнида теплоизоляцияцион полимер асосида ишлов берилган ёғоч намуналари тутун ҳосил қилди, лекин чўғланиш кузатилмади. Ёғоч намунасидаги масса камайишининг бир қисми балки, ёғочнинг намлигини йўқотиш ҳисобидан амалга ошади.

Синтез қилинган органосиликон (олиго)полимерлар асосида яратилган композицияларнинг реологик хоссалари таҳлил этилди. (6-расм)

Тенг масса нисбатдаги каолин ва суюқ шиша ҳамда турли хил концентрациядаги полимер композицияларнинг адгезияси



4-расм. Олинган композицияларнинг адгезион хоссасининг ўзгариши.


Композиция таркибидаги полимернинг миқдори ортиб бориши билан адгезион хусусиятининг яхшиланиши ва 8% га етганда максимал қийматга етади. Лекин, полимер сарфини камайтириш ва плёнка ҳосил қилишини меъёрлаштириш учун полимер миқдорини 6% деб танлаш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчи боб “**Термобарқарор полимерларни олиш технологиясини яратиш**” деб номланган бўлиб, бу бобда кремнийорганик термобарқарор (олиго)полимерлар ва улар асосидаги композицияларни олиш технологияси келтирилган.

Гидрофобик ва оловбардош кремний полимерларини ишлаб чиқариш ҳозирги кунга қадар кўп босқичли бўлиб келган ва доимий тизимга ўтиш имконияти жуда қийин. Шунингдек, бу жараённи мураккаблаштиради, чунки ҳал қилувчи истеъмоли жуда катта.

Таклиф қилинаётган муқобил схема, мавжуд усуллардан фарқли ўлароқ, олигомерларнинг органосиликон бирикмалари билан ўзаро боғлиқлигига ва энергия ва меҳнат харажатлари камайишига асосланади.

Ишлаб чиқилган технологияда эфир, бензол, ТГФ, ДМСО, ДМФ, гексан, толуол, диоксан каби эритувчилар ишлатилмайди, сув эритувчи сифатида ишлатилади, бу эса юқори унумдорликка олиб келади, шу билан бирга ТЭОС гидролизини камайтиришга эришилади (5-расм).



5-расм. Полимер термобарқорор бирикмалар ва улар асосидаги композицияларнинг олиниш технологияси

1-Гидролизлаган полиакрилонитрилнинг сувли эритмаси, 2-тетраэтоксисилан, 3,8,12-аралаштиргич, 4,9- кўйлагли реактор, 5,10,15-электр насос, 6-сақлаш учун сиғим, 7-суяқ шиша, 11-сиғимли тайёр маҳсулот учун миксер, 13,14-пуркагич

Таклиф этилаётган технология куйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Ишлатилган реактивларни тозалаш.
2. Олигомерни ўзаро боғлаш жараёни.
3. Полимерни кўшимчалардан тозалаш, сирка кислотасини вакуум дистиллаш.

4. Таркибни тайёрлаш ва ҳомогенлаш.

5. Таркибни қадоқлаш ёки сақлаш.

5 - расмда термобарқорор органосиликон (олиго)полимер синтезининг асосий схемаси кўрсатилган: Гидролизлаган полиакрилонитрилнинг сувли эритмаси 1 реакторига юборилади, тетраэтоксисилан 2 реакторига кўйилади, улар кейинчалик реакторга ўтказилади ва 50: 1 нисбатда реакторга юборилади. Реактордаги тажриба бир соат давомида 50-60 ° С ҳароратда амалга оширилади, реакция жараёнида масса 3,8,12 миксерлар ёрдамида аралаштирилади, бу эса бир хил ҳолатни таъминлайди, олигомер ва гомогенизация жараёни. 4.9 реакторларда жараён тегишли ҳароратда амалга оширилади. Реакция пайтида ҳосил бўлган моддаларнинг бошқа реакторларга ўтиши 5,10,15 электр моторли ассимиляция насослари

ёрдамида амалга оширилади. Каолин ва суюқ шиша тўлдирувчи композиция таркибий компоненти сифатида ишлатилади ва реакторга 6 -ёрдамида каолин системага киритилади. Суюқ шиша 7 композициянинг шаклланишига жавоб берадиган асосий таркибий қисмдир. Тайёр композицион маҳсулот учун контейнерга 11 миксер билан киритилади ва бир ҳил ҳолга келгунча гомогенизацияланади. Тайёр маҳсулот фойдаланиш учун 13, 14 сақлагич сизимга юборилади ва пуркаш йўли билан материалга ишлов берилади.

5-жадвал

Ёғочга ишлов бериш жараёнида сарфланган, компонентларининг миқдорларини таққослаш, назорат ва тажриба вариантлари бўйича олинган кремнийорганик (олиго)полимер композициялар ишлаб чиқаришдаги харажатлар

Тўлдириш компонентлари	Ўртача ҳақиқий қиймати (сўм)	Назорат (Т ₁)		Тажриба (Т ₂)	
		кг/м ² учун сарф	Сўмда	кг/м ² учун сарф	Сўмда
Назорат композиция	1067	0.1652	176,25	-	-
ГИПАН асосида					
ГИПАН (гидролизланган полиакрилонитрил)	800	-	-	0,007680	6,144
Тетраэтоксисилан	4213	-	-	0,0001098	4,626
Суюқ шиша	750	-	-	0,006862	5,146
Эмулгатор	2932	-	-	0,0001098	3,220
Сув	10,2			0,0017019	0,1735
Жами				0,0165	19,3
Смола асосида					
Мочевина -99,8	7400	-	-	0,007686	56,876
Формалин	850	-	-	0,007411	6,299
Тетраэтоксисилан	4213	-	-	0,0001098	4,626
Эмулгатор	2932	-	-	0,0001098	3,220
Суюқ шиша	750	-	-	0,006862	5,146
Сув	10,2			0,0017019	1,735
Жами				0,0240	77,9
ГАЭ асосида					
ГАЭ (гидролизланган акрил эмулсия)	3100			0,007960	24,676
Тетраэтоксисилан	4213	-	-	0,0001098	4,626
Эмулгатор	2932	-	-	0,0001098	3,220
Суюқ шиша	750	-	-	0,006862	5,146
Сув	10,2			0,0017019	1,735
Жами:		0.1652	176,25	0,017	39,4

Шундай қилиб, таклиф қилинаётган технология мураккаб, энергия сарфлайдиган ва катта миқдордаги меҳнатни талаб қиладиган технологиялардан фарқли ўлароқ, кўп миқдордаги эритувчидан фойдаланмасдан органосиликон бирикмаларига асосланган термобарқарор (олиго)полимер материалларни доимий равишда ишлаб чиқариш имконини беради.

Оловбардош кремнийорганик (олиго)полимерларини ишлаб чиқаришдан олинадиган иқтисодий самарадорлик аниқланди. Ёғочга ишлов бериш жараёнида сарфланган тўлдирувчи, компонентларининг миқдорларини таққослаш учун қийматлар 5-жадвалда келтирилган. Иқтисодий самарадорликни қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқдик:

$$\mathcal{E}_{\text{сам}} = C_{\text{н}} - C_{\text{т}}$$

$\mathcal{E}_{\text{сам}}$ – иқтисодий самарадорлик, сўм

$C_{\text{н}}$ - маҳсулотнинг синовгача бўлган таннархи, сўм

$C_{\text{т}}$ - маҳсулотнинг синовдан кейинги таннархи, сўм

Ёғочга ишлов бериш мақсадида синтез қилинган кремнийорганик (олиго)полимерлар асосида олинган композицияларни қўллаш жараёнида, умумий юзаси 600 м² га тенг бўлган ёғоч қурилиш материалларига ишлов берилди.

Кутиладиган йиллик иқтисодий самарадорлик қуйидаги формула асосида аниқланди:

$$\mathcal{E}_{\text{с}} = \mathcal{E}_{\text{н}} - \mathcal{E}_{\text{т}}$$

$\mathcal{E}_{\text{н}}$ - назорат

$\mathcal{E}_{\text{т}}$ - тажриба

ГИПАН асосида $\mathcal{E}_{\text{с}} = 176,25 - 19,3 = 156,95$ сўм 1м² учун

Смола асосида асосида $\mathcal{E}_{\text{с}} = 176,25 - 77,9 = 98,35$ сўм 1м² учун

ГАЭ асосида $\mathcal{E}_{\text{с}} = 176,25 - 39,4 = 136,85$ сўм 1м² учун

Ҳар йили бир вилоятда ўртача 1 000 000 м² юза термобарқарор материаллар билан ишлов берилишини эътиборга олсак;

Йиллик фойда 98 000 000 дан 156 000 000 млн сўмни ташкил этади.

ХУЛОСАЛАР

1. ГИПАН, ГАЭ ва мочевиноформальдегид смолаларини ТЭОС билан чоклаш асосида (олиго)полимерлар синтез қилинди. Синтез жараёнига таъсир қилувчи омиллар ўрганилиб, реакция учун 50 °С ҳарорат ва ТЭОС миқдорининг 10:1 олиниб белгиланган хоссали ўтга чидамли ва иссиқликни ўтказмайдиган юқори дисперсли тўлдирувчилар олишнинг самарали усули ишлаб чиқилди.

2. ГИПАН ва кўп фукнционал таркиблар асосида модификацияланган шакллларининг физик ҳолати, термик ва иссиқлик хоссаларига таъсир қилиш йўли билан каолин ва суюқ шишанинг 1:1 нисбатдаги аралашмасига 5 % оловбардош (олиго)полимер қўшилиб ўтга ва иссиқликка чидамли таркиблар таклиф қилинди.

3. Синтез қилинган (олиго)полимерларнинг физик ҳолати, тузилиши ва кимёвий таркиби, синтез жараёнига ташқи майдон (ультратовуш, иссиқлик) ва кимёвий реагентларни таъсир қилиб ўтга чидамли таркибларнинг белгиланган термик ва физик кўрсаткичларга эришилди.

4. Яратилган таркиблар ёрдамида ёғоч ва ноорганик қурилиш конструкцияларнинг ёнғиндан ҳимоя қилиш механизмларини ишлаб чиқиш; ГИПАН асосида ўтга чидамли самарали қопламалар яратилди, улар ёрдамида ёғоч ва ноорганик қурилиш конструкцияларининг ўтга чидамлилигини ошириш ҳамда кўп босқичли ёнғиндан ҳимоя қилиш усулларини ишлаб чиқилди.

5. Маҳаллий хом ашёлар асосида иссиқлик ўтказмайдиган материалларнинг янги таркиблари ишлаб чиқилди, уларнинг асосий ёнғин-техник характеристикалари таҳлил қилинди ва улар асосида ёнмайдиган қопламалар ва конструкцион материаллар тавсия этилди.

6. ГИПАН, мочевина, формальдегид, ГАЭ асосида барқарор дисперс системалар ва улар асосида юқори самарали ўт ўчирувчи таркиблар ишлаб чиқилди ҳамда ишлаб чиқилган ёғоч материалларни ёнғиндан самарали ҳимоя қилувчи композициялар «Бухара Даврон Гранд» МЧЖ корхонасида суюқ ўт ўчирувчи сифатида қўллаш учун тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.78.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТЕРМЕЗСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ПАНОЕВ НОДИР ШАВКАТОВИЧ

**ПОЛУЧЕНИЕ, СВОЙСТВА И ТЕХНОЛОГИЯ ТЕРМОСТОЙКИХ
(ОЛИГО)ПОЛИМЕРОВ НА ОСНОВЕ КРЕМНИЙОРГАНИЧЕСКИХ
СОЕДИНЕНИЙ**

02.00.14–Технология органических веществ и материалы на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Термез – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/T1057

Диссертация выполнена в Бухариском инженерно-технологическом институте

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета www.tersu.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель:

Ахмедов Вохид Низомович
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Нуркулов Файзулла Нурмунинович
доктор технических наук,

Нормуродов Бахтиёр Абдуллаевич
доктора философии по техническим наукам

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита состоится «12» 09 2020 г. в «10⁰⁰» часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.78.01 при Термезском государственном университете по адресу: 111116, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, электронная почта: termizdu@umail.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Термизского государственного университета №20 с которой можно ознакомиться в ИРЦ (Адрес: 190111, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, электронная почта: termizdu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан « 4 » 09 2020 года.
(протокол рассылки № 5 от « 4 » 09 2020 г.).



И.А.Умбаров
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., доц.

Ш.А.Касимов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых
степеней, д.ф.х.н.,(PhD).

Ф.Б.Эшкурбов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.х.н., доц.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня одной из актуальных задач является создание защитных средств нового поколения с комплексными свойствами, основанных на достижениях современных технологий в области пожарной безопасности зданий и сооружений. Согласно статистике, пожары по всему миру наносят серьезный ущерб жизнедеятельности человека, экономике и окружающей среде. В связи с этим синтез новых кремнийорганических полимеров, изучение их свойств и создание на их основе технологию огнестойких композиций является актуальной задачей.

Сегодняшнее время уделяется большое внимание на создание высокоэффективных огнестойких средств и на их основе повышение огнестойкости строительных конструкций и материалов. Соответственно, проводить целенаправленные научные исследования в областях, в том числе создание моделей механизмов физических и термохимических процессов, происходящих в защитных покрытиях под воздействием тепла; разработка компактных, точных и быстрых методов оценки влияния огнезащитных наполнителей на показатели пожарной безопасности строительных конструкций и материалов; создание нового поколения высокоэффективных огнезащитных покрытий на основе широко распространенных природных ресурсов является одним из важных задач.

В нашей стране в химической промышленности достигнуты определенные результаты в разработке новых материалов, в том числе осуществлены широкомасштабные мероприятия по импортозамещению химических реагентов. Следует подчеркнуть, что в нашей республике уделяется большое внимание на осуществление мероприятий по внедрению инновационных технологий для научно-обоснованного ведения промышленных предприятий и защите окружающей среды. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан² указаны важные задачи по «Внедрению передовых технологий в процессы глубокой переработки имеющегося сырья, расширение и диверсификацию производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью».

Диссертационное исследование в определенном уровне служит выполнению поставленных задач в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «Стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 -2021 годах», № ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы», ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан» и ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О дальнейшей

¹ № УП-4947 от 7 февраля 2017 года Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

реформе химической промышленности и ее реализации» и других нормативных актах.

